

«ТАСДИҚЛАНГАН»

«Туронбанк» АТБ Кенгашининг

«03» февраль 2020 йилдаги

12-14/3 -сонли Қарори

№ 471

**«ТУРОНБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ
«БАНК РИСКЛАРИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ» ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМИ**

1. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Низом 2019 йил 11 ноябрдаги ЎРҚ-582-сонли “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, 2019 йил 5 ноябрдаги ЎРҚ-580-сонли “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21декабрдаги ПҚ-4071-сонли “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, фаолияти самарадорлигини ошириш ва кредит сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2000 йил 5 июлда 943-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатлари ҳамда “Туронбанк” Акциядорлик тижорат банки (бундан буён – «Банк»)нинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Мазкур Низом банк рискларини назорат қилиш Қўмитасининг мақсадлари, вазифалари, функциялари ва мақомини белгилаб беради ҳамда Қўмитанинг иш тартиби, муҳокама қилинаётган масалалар бўйича қарор қабул қилиш, Банк Бошқаруви ва Кенгаши билан ўзаро алоқада бўлиш тартибини белгилаб беради.

1.3. Банк рискларини назорат қилиш Қўмитаси Банкнинг коллегиял маслаҳатчи органи бўлиб, у ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатлари, Банк Устави, Акциядорлар Умумий йиғилиши, Банк Кенгашининг қарорлари, Банкнинг “Банк Рискларини бошқариш Сиёсати”га ва Халқаро Қўмиталар тавсияларига амал қилади.

1.4. Банк рискларини назорат қилиш Қўмитаси бевосита Банк Кенгашига бўйсунди ва унга ҳисоб беради.

2. Банк рискларини назорат қилиш Қўмитасининг мақсад ва вазифалари

2.1. Банк рискларини назорат қилиш Қўмитаси (матнда бундан буён – Қўмита) фаолиятининг асосий мақсади рискларни самарали бошқариш жараёнини назорат қилиш ва тартибга солиш орқали Банк Кенгаши томонидан ўрнатилган Бизнес – режа кўрсаткичларини бажариш, банк акциядорлари манфаатларини кўзлаб юзага келиши мумкин бўлган таваккалчиликларни олдини олиш ва тезкор чоралар кўриш ҳамда банкнинг омонатчилари ва кредиторлари манфатлари йўлида банкнинг ишончилиги ва барқарорлигини таъминлашда Банк Кенгашига кўмаклашиш ҳисобланади.

2.2. Қўмита қуйидаги вазифаларни бажаради:

- Банк операцияларини ўтказишда рисклилиқ ва даромадлиқ ўртасидаги энг мақбул мувозанатга эришиш учун банк рискларини бошқариш бўйича сиёсатни самарали тадбиқ этиш;

- Банк томонидан барча турдаги операцияларни амалга ошириш давомида Банк активларининг ҳолати ва унга таъсир этувчи рискларни кузатиш;

- Банк рискларини олдини олишга қаратилган тегишли чора – тадбирларни кўриб чиқиш ва уларни амалга ошириш учун Банк Кенгашига таклифлар киритиш.

- Банк рискларини бошқариш департаментининг мустақил фаолият юритишини таъминлаш ва шароит яратиш.

3. Қўмитанинг функциялари

3.1. Юқоридаги вазифаларни бажариш мақсадида Қўмита зиммасига қуйидаги функциялар юклатилади:

- Риск нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда, Банк кредит ва инвестициялар портфели ҳамда банкнинг бошқа активлари ҳолати бўйича доимий равишда маълумот олиш ва таҳлил қилиш;

- Банк операцияларини амалга оширишда юзага келадиган турли(кредит, бозор, ликвидлилиқ, операцион, ва бошқалар)рискларни ўз вақтида аниқлаш, баҳолаш ва улар таъсирида юзага келадиган салбий оқибатларни камайтириш бўйича самарали тизим яратилганлигини назоратга олиш;

- Банкнинг рискларни бошқариш Сиёсатига алоқадор бўлган барча ички ҳужжатларни ўрганиш, маҳаллий ва жаҳон молия бозорларидаги ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда уларга мувофиқлаштириш юзасидан Банк Кенгашига кўриб чиқиш учун таклифлар киритиш;

- Турли рискларни таҳлил қилиш ва баҳолаш бўйича Банк ички ҳужжатлари, методика ва йўриқномалари (масалан, кредит лаёқатининг скоринг – таҳлили, ликвидлилиқ ва тўлов қобилиятини стресс – тестдан ўтказиш, фоиз рисклилигини бошқаришда GAP – таҳлил, актив ва пасивларнинг ҳажми ва сўндириш муддати ўртасидаги номутаносиблик таҳлили ва бошқалар)ни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Банк Кенгашига тақдим этиш;

- Таваккалчилик оқибатларини камайтириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш мақсадида, кредит ва инвестиция портфели ҳамда бошқа банк

активлари бўйича рискларни юқорида кўрсатиб ўтилган усул ва услублар асосида ўтказилган таҳлилини мунтазам равишда ўрганиб бориш;

- Банк операциялари бўйича қуйидаги лимитларни тасдиқлайди:

- банклараро депозитлар бўйича лимитларни;

- чет эл валюталари бўйича лимитларни;

- Имзоланган қарз битимларини халқаро молия ташкилотлари томонидан ўрнатилган молиявий кўрсаткичларга амал қилинишини мунтазам равишда ўрганиб ва назорат қилиб бориш, Банк томонидан бундай талаблар бузилган ҳолларда, ушбу талаб ва кўрсаткичларга амал қилиниши юзасидан тегишли чора – тадбирларни амалга ошириш;

3.2. Рискларни бошқариш тизимини ташкиллаштириш ва фаолият кўрсатишига оид масалалар бўйича Банк Бошқаруви билан ўзаро алоқада фаолият кўрсатиш.

4. Қўмитанинг таркиби ва иш тартиби

4.1. Қўмита таркиби Банк Кенгаши томонидан тасдиқланади. Қўмита таркиби Кенгаш аъзоларидан таркиб топган 3 (уч) кишидан кам бўлмаган миқдорда шакллантирилади.

Банк Кенгаши аъзоси

Қўмита Раиси

Банк Кенгаши аъзоси (давлат манфаатларини ифодаловчи вакил)

Қўмита аъзоси

Банк Кенгашининг мустақил аъзоси

Қўмита аъзоси

4.2. Қўмита аъзолари Банк Кенгаши томонидан тасдиқланади, Қўмита Раисининг ўринбосари Қўмита аъзолари таркибидан сайланади.

4.3. Қўмита Раиси меҳнат ўқув таътилида, хизмат сафарида ёки бетоб бўлган даврида унинг вазифасини вақтинчалик Қўмита Раиси ўринбосари бажаради.

4.4. Қўмита ваколатларининг муддати Банк Кенгаши томонидан белгиланади.

4.5. Қўмитанинг иш тартиби бўлиб ҳар йил учун тузиладиган ва унинг барча аъзолари томонидан имзоланганиш Режасига мувофиқ йиғилишлар ўтказиш ҳисобланади. Қўмита иш режаси Банк Кенгаши томонидан тасдиқланади.

4.6. Қўмита Йиғилиши Қўмита аъзоларининг барчаси иштирок этган ҳолда Қўмита йиғилиши ваколатли ҳисобланади.

4.7. Қўмита Йиғилиши зарур бўлган ҳолларда навбатдан ташқари қуйидагилар асосида ўтказилади:

- унинг ўз ташаббуси билан;

- Банк Кенгаши талаби;

- тафтиш комиссияси ёки жамият аудиторининг талаби билан;

- банкнинг йирик (камида 10 фоизига эгаллик килувчи акциядорлар)

акциядорлари талаби билан;

- Банк бошқаруви сўрови асосида;

- Зарурий ҳолларда ва (ёки) инқироз даврида.

4.8. Қўмита йиғилишларида иш режаси билан ўрнатилган ҳамда Қўмитанинг ёки Банкнинг тегишли таркибий бўлинмалари томонидан кўтарилган масалалар кўриб чиқилади.

4.9. Зарур бўлган ҳолларда Қўмита йиғилишларига Бошқарув аъзолари, Банкнинг тегишли таркибий бўлинмалари бошлиқлари ёки масъул мутахассислари ҳамда мустақил маслаҳатчилар таклиф этилишлари мумкин.

4.10. Қўмита йиғилиши кун тартиби бўйича материаллар унинг аъзоларига кўриб чиқиш учун йиғилиш ўтказилиш санасигача камида икки кун аввал тақдим этилади.

4.11. Муҳокама қилинаётган масалалар бўйича қарорлар очиқ овоз бериш йўли билан оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

4.12. Ҳар бир йиғилиш тегишли баённома билан расмийлаштирилади, унда йиғилиш ўтказилган сана ва жой, йиғилишда иштирок этган Қўмита аъзолари, кун тартибидаги масалалар, чиқишлар ва қабул қилинган қарорлар тўғрисидаги қисқача маълумотлар кўрсатилиши шарт.

4.13. Қўмита йиғилишининг Баённомаси унинг аъзоларининг барчаси томонидан имзоланади. Аъзолардан бирортаси қабул қилинган қарорга рози бўлмаган ҳолларда унинг рози эмаслиги сабаблари мажбурий тартибда кўрсатилади.

4.14. Қўмитанинг ишчи органи бўлиб «Банк рискларини бошқариш» Департаменти ҳисобланади, мазкур Департамент директори ўринбосари – Қўмита Котиби ҳисобланиб, унинг мажбуриятларига қуйидагилар киради:

- Қўмита йиғилишлари кун тартибига иш материалларини йиғиш ва тайёрлаш;
- Қўмита аъзоларини иш материаллари билан таништириш;
- Қўмита йиғилишларининг баённомаларини расмийлаштириш;
- Қўмита йиғилишлари баённомасидан кўчирмаларни Банкнинг барча манфаатдор бўлинмаларига етказиш;
- Қўмита фаолияти бўйича ҳужжатларнинг тегишли тартибда ҳисобга олиш ва сақлаш ишларини ташкиллаштириш.

5. Қўмитанинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

5.1. Қўмита ўз олдига қўйилган вазифаларни самарали тарзда бажариши учун банкнинг тегишли таркибий бўлинмаларидан зарур бўлган барча маълумотларни, жумладан қуйидаги маълумотларни олиш ҳуқуқига эга:

- Банкнинг кредит, инвестиция портфелларининг ва бошқа банк активларининг ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар уларнинг кредит ва бозор рискларини пухта таҳлили;
- Банкнинг фоиз рискига мойиллигининг таҳлили (GAP-таҳлил);
- Банкнинг валюта рисклилиги остида эканлигини;
- Банкнинг ликвидлик рискига мойиллигининг таҳлили (сўндириш ҳажмлари ва муддатлари бўйича активлар ва пасивлар дисбалансини таҳлил қилиш, банк мижозларининг жорий тушумлари ва киримларининг таҳлили асосида пул маблағларининг етишмаслигини аниқлаш);

- Банк томонидан асосий операцияларини ўтказишда лимитларга амал қилинишини таҳлили.

5.2. Қўмита қуйидаги мажбуриятларга эга:

- қўйилган барча масалаларни иш режасига кўра ўрнатилган муддатларда ҳамда Банкнинг таркибий бўлинмаларидан тушаётган қўшимча сўровларни кўриб чиқиш;

- қилинган ишлар тўғрисида ҳар ярим йилда Банк Кенгаши олдида ҳисоб бериш.

6. Қўмитанинг жавобгарлиги:

6.1. Қўмита аъзолари ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаганликлари учун банк Кенгаши ва акциядорлари олдида жавобгар ҳисобланади.

Қиритилди:

**Банк рискларини бошқариш
департаменти директори в.в.б.**



Д.Г.Гайратов